

ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИННИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МАНФААТЛАРИМИЗГА МОСМИ?

ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИННИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МАНФААТЛАРИМИЗГА МОСМИ?

Бугунги шиддатли глобаллушув шароити жаҳон мамлакатлари ўртасида юз бераётган савдо-иқтисодий муносабатларнинг замонавий тенденциялари – халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтинослашув имкониятларидан самарали фойдаланиш масалаларини чуқур тадқиқ этиш лозимлигини тақозо этмоқда. Бу ўринда миллий иқтисодиётлар олдида жаҳон ҳамжамиятига самарали интеграциялашувни чуқурлаштириш орқали ташки иқтисодий сиёсатни доимий такомиллаштириб бориш вазифаси муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро эксперталарнинг фикрича, «иқтисодий интеграция миллий иқтисодиётларнинг иқтисодий ўсишига таъсир кўрсатувчи динамик ривожланувчи жараёндир».

Шу маънода, бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги босқичдаги

ислоҳотлар самараси жаҳон иқтисодиёти тизимиға интеграциялашишга, айниқса, худудий жиҳатдан яқин мамлакатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга ҳам боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, МДҲ доирасида савдо-иқтисодий муносабатларни иқтисодий интеграциянинг муҳим кўриниши ҳисобланган ягона божхона иттифоқи доирасида ривожлантириш, унинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Эксперталарнинг таъкидлашларича, бу борада Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) собиқ иттифоқ худудидаги омадли ва истиқболли интеграция лойиҳасидир. 1995 йилда Россия Федерацияси ва Белорусь Республикаси ўртасида имзоланган «Божхона иттифоқи тўғрисида»ги битимга асосланган ва кейинчалик ўз таркибиға Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Арманистонни бирлаштирган Евросиё иқтисодий ҳамжамияти, ўзининг шаклланиш тарихи ва ривожланиш амалиётига кўра, жаҳон ҳамжамиятининг дикқат марказига тушди.

Хозирги кунда дунёда 5 та асосий иқтисодий блок мавжуд бўлиб, улар **Европа Иттифоқи**, **MERCOSUR** - Жанубий Америка давлатларининг давлатлараро иқтисодий бирлашмаси, **NAFTA** - Шимолий Америка эркин савдо зonasи, **ASEAN** - Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи (**ЕОИИ**) ҳисобланади.

Европа Иттифоқи дунёдаги энг ривожланган миңтақавий интеграция блоки ҳисобланади. Интеграциянинг барпо этилиши соҳасидаги режали ва тизимли ишлар Европа иттифоқи доирасида иқтисодий ва сиёсий иттифоқ тузиш шаклида ўзининг ижобий натижаларини берди. Божхона иттифоқи ва Европа иттифоқининг ҳозирги шаклда мұваффақиятли шаклланиши, барча муаммоларга қарамай, Европада интеграция жараёнининг ҳаётйлигини тасдиқламоқда.

MERCOSUR – Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзаси аҳолисининг 55,3 фоизини (300 миллиондан ортиқ), тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 40 фоизини, миңтақа мамлакатлари ташки савдосининг 33 фоизини ташкил этади. Мазкур уюшма аъзоларининг умумий ялпи ички маҳсулоти 3,3 трлн.долларни ташкил қиласи ва ҳажми ва иқтисодий салоҳияти бўйича Европа Иттифоқидан кейин иккинчи, эркин савдо худуди ҳажми бўйича Европа Иттифоқи ва NAFTAдан кейин учинчи ўринни ёгаллади.

ASEAN уюшмаси Жанубий-Шарқий Осиёдаги 10 та давлатни бирлаштирган. (Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Филиппин, Бруней, Вьетнам, Лаос, Мьянма ва Камбоджа). Хозирги кунда ASEANга аъзо давлатларининг аҳолиси қарийб 500 миллион кишига етган, умумий ялпи ички маҳсулоти эса 737 млрд.долларини ташкил этмоқда.

Умуман, дунё давлатларининг иқтисодий интеграцияга мослашуви қандай омилларга асосланмоқда, уларнинг бирлашувига қандай сабаблар таъсир кўрсатмоқда? Энг асосий сабаб бу биринчидан, иқтисодий ҳаётнинг глобаллашуви, иккинчидан эса халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувидир. Шунингдек, дунё миқёсидаги илмий ва технологик инқилоблар ва миллий иқтисодиётларнинг очиқлигини оширишга эҳтиёж ҳам мамлакатларнинг ўзаро интеграциялашувига сабаб бўлмоқда.

Шу жиҳатдан қараганда, бугун турли баҳс-мунозараларга турткى бўлаётган масала – Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)га аъзо бўлиши юзасидан фикр-мулоҳазаларимизни билдиришни жоиз, деб билдик.

Энг аввало, ЕОИИ доирасидаги ташкилий-хукуқий муносабатларни тартибга солувчи органлар ва уларнинг фаолияти, ҳамкорлигининг хукуқий асослари, ўзаро келишув ва битимларни чукур таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозим, ЕОИИнинг аъзо давлатлари (Россия, Белорусь, Қозоғистон, Арманистон ва Қирғизистон) ўртасида товарлар ва хизматлар ҳаракати, мигрантлар ҳаракатланиши ва капитал ҳаракатининг эркинлиги таъминланган бўлиб, ягона божхона тизимига эга бўлган умумий иқтисодий худуд шакллантирилган.

Евроосиё иқтисодий иттифоқининг олий органи аъзо давлатлар раҳбарлари таркибидан ташкил топган **Олий Евроосиё Иқтисодий Кенгаши** (ОЕИК) ҳисобланади. Кенгаш иттифоқ фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, интеграцияни ривожлантириш стратегияси, йўналишлари ва истиқболларини белгилайди.

ЕОИИ Шартномаси, ЕОИИ доирасидаги ҳалқаро келишувлар ва Олий Кенгаш қарорларининг бажарилиши ва мониторинги, аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарларидан иборат **Ҳукуматлараро Кенгаш** томонидан таъминланади.

ЕОИИ Суди – доимий фаолият юритувчи суд органи ҳисобланиб, унинг штаб-квартираси Минск шаҳрида жойлашган. У аъзо давлатлар томонидан ЕОИИ Шартномаси тартиб-қоидаларидан тенг равишда фойдаланилишини таъминлайди ва низоларни ҳал қиласди.

Евроосиё Иқтисодий Комиссияси (ЕИК) – доимий фаолият юритувчи миллий бошқарув ва тартибга солувчи орган бўлиб, унинг таркиби аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарларининг ўринбосарлари ва ҳар бир давлатдан уч кишидан иборат бўлган ҳайъатдан иборат. Комиссия қарорлари барча давлатларга ижро учун мажбурийдир.

Евроосиё Иқтисодий Комиссияси иқтисодий иттифоқининг 170 тадан иборат функцияларини бажаради:

Жумладан, божхона-тариф ва нотариф тартибга солиш; божхона маъмурчилигини тартибга солиш; санитария, ветеринария ва фитосанитария чора-тадбирларини тартибга солиш; учинчи мамлакатларга нисбатан савдо режимларини ўрнатишни тартибга солиш; макроиктисодий ва рақобат сиёсатини белгилаш; саноат ва қишлоқ хўжалигига субсидиялар, табиий монополиялар, давлат харидлари, транспорт ва ташишга оид чора – тадбирларни тартибга солиш ва бошқалар.

Шу ўринда, айрим фактларни ҳам келтириб ўтиш ўринли. Яъни, ЕОИИни ташкил этувчи бешта аъзо давлатлар ҳудуд, аҳоли сони ва иқтисодиёт ҳажми жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қиласди. Иттифоқнинг энг катта мамлакати Россия, энг кичиги Арманистондан 574 марта каттароқдир ва шунга ўхшаш, Россиянинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) Арманистондан 170 баравар катта. Умуман, Россиянинг ЯИМи қолган тўрт аъзонинг умумий ЯИМидан тахминан 6 баравар катта. Тўрт аъзо давлат – Арманистон, Беларусь, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг умумий аҳолиси қарийб 42 миллион, Россия аҳолиси эса 147 миллионга яқин.

Шу жиҳатдан қараганда, умумий ЯИМнинг 87 фоизи, умумий аҳолининг 80 фоизи Россия Федерацияси ҳиссасига тўғри келиши ҳамда ЕОИИга аъзо давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан баравар эмаслиги Россиянинг доминантлик позициясини намоён этади.

Шу билан бирга, Евросиё Иқтисодий Комиссиясининг принципларига кўра, мазкур Комиссия қарорларни тенг вакиллик ва консенсус принципи асосида қабул қилиши - ҳар бир давлатга унинг иқтисодий кучи ва аҳолиси сони катта-кичилгига нисбатан эмас, балки тенг аъзо сифатида қаралиши кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, айрим эксперталар томонидан ЕОИИ тузилмасига иқтисодий блок сифатида эмас, балки кўпроқ сиёсий блок сифатида қаралади. Ўз навбатида, Евросиё Иқтисодий Комиссияси ваколатлари доирасида сиёсий масалалар ушбу Комиссия ваколатига кирмаслиги ҳам белгилаб қўйилган.

Хозирги вақтда ЕОИИ томонидан хорижий шериклар билан ҳамкорлик алоқалари Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ) нормалари ва тамойиллариға мувофиқ тарзда ўрнатилган.

Кузатувчилик мақоми. 2017 йил апрель ойида Молдова Республикаси билан ҳамкорлик түғрисида меморандум имзоланди, ЕОИИ мамлакатлари президентлари Молдованинг Иттифоқда кузатувчи мамлакат мақомини олиш түғрисидаги мурожаатини қабул қилдилар. 2018 йил май ойида Молдовага ЕОИИда кузатувчи давлат мақоми берилди.

Эркин савдо зонаси келишувлари. 2017-2018 йилларда ЕОИИ учинчи давлатлар билан ҳалқаро иқтисодий алоқаларни сезиларли даражада кенгайтиришга муваффақ бўлди. Бугунги кунга қадар Вьетнам (2016 йил октябрь) ва Сингапур (2018 йил ноябрь) билан эркин савдо зонаси түғрисидаги, Хитой билан иқтисодий ҳамкорлик (2017) түғрисидаги битимлар имзоланган, Эрон билан эса мазкур мақсадда вақтинчалик битим (2018 йил) имзоланган.

Шунингдек, яна қатор давлатлар билан эркин савдо зонаси келишувини амалга ошириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Жумладан:

Ҳиндистон. 2015-2016 йилларда Ҳиндистон Республикаси билан ЕОИИ эркин савдо зонаси түғрисида Битим тузишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш бўйича қўшма тадқиқот гурухи ўтказилди. Тадқиқот натижалариға кўра, эркин савдо режимига ўтиш ЕОИИнинг Ҳиндистон билан ўзаро импортининг ҳам ва экспортининг ҳам 18 фоиз ўсиши прогноз қилинди. 2017 йил июнь ойида ЕОИИ билан эркин савдо зonasини ташкил этиш бўйича музокараларни бошлаш түғрисида баёнот имзоланди.

Миср. 2016 йилда ОЕИКнинг йиғилишида Миср Араб Республикаси билан эркин савдо битими тузиш бўйича музокараларни бошлаш түғрисида қарор қабул қилинди. 2017 йил декабрь ойида ушбу масалада Миср томони вакиллари билан техник маслаҳатлашувлар ўтказилди.

Мўғулистан. 2015 йил июнь ойида ЕОИИ ва Мўғулистан ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, ўзаро савдони ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида ОЕИК ва Мўғулистан ҳукумати ўртасида ҳамкорлик түғрисидаги меморандум имзоланди.

Тайланд. 2016 йил 1 априлида Россия ва Таиланд ўртасида эркин савдо зonasини яратиш бўйича музокаралар бошланди.

Шунингдек, Венгрия, Исроил, Камбоджа, Лаос, Покистон, Перу, Корея Республикаси, Сурия, Тунис, Чили, Япония ва Индонезия каби 50 га яқин давлатлар ушбу иттифоқ билан эркин савдо зonasини яратиш юзасидан қизиқиш билдирган. Жумладан,

Исроил. Эркин савдо битимини тузиш бўйича ишларни фаоллаштириш мақсадида 2018 йил 23-24 априль кунлари томонлар музокараларнинг биринчи босқичини ўтказдилар. Унинг доирасида битим тузиш бўйича музокаралар олиб бориш юзасидан ҳужжат имзоланди. Ҳужжат ўзаро ҳамкорлик йўналишларини белгилаб, келгусида ишлаш ва музокаралар форматига оид қатор муҳим келишувларни ўз ичига олди.

Корея Республикаси. 2015 йил октябрь ойида Комиссия ва Корея Республикаси Давлат харидлари хизмати ўртасида ҳамкорлик түғрисида меморандум имзоланди. Ҳужжатда давлат харидларини тартибга солиш, хусусан, электрон харидлар тизимини такомиллаштириш соҳасида тажриба алмашиш кўзда тутилди. Бундан ташқари, 2015 йил 30 ноябрь куни ЕИК ва Корея Республикаси Саноат, савдо ва энергетика вазирлиги ўртасида савдо-сотиқ соҳасидаги ҳамкорликнинг кенг кўламли масалалари бўйича ҳамкорлик түғрисидаги меморандум имзоланди.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик. ЕОИИ халқаро ташкилотлар ва институтлар билан фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. Жумладан, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЕСД), Жаҳон божхона ташкилоти (WCO), Халқаро миграция ташкилоти (МОМ) ва бошқалар билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Шунингдек, мазкур иттифоқка аъзо давлатларнинг асосий қисми Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га ҳам аъзо ҳисобланади.

қўмитаси билан ўзаро англашув меморандуми ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланган.

Сўнгги йилларда ЕИК ва МДҲ Ижроия қўмитаси турли соҳаларда, айниқса, меҳнат миграцияси масалаларини мувофиқлаштириш соҳасида фаол ҳамкорлик қилмоқда. 2018 йил ноябрь ойида ЕИК ва МДҲ Ижроия қўмитаси ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида меморандум имзолади.

Хозирги кунда ЕОИИ билан МДҲга аъзо бошқа давлатлар ўртасида савдо-иктисодий алоқалар 2011 йилда ташкил этилган МДҲ Эркин савдо зонаси доирасидаги ўзаро имтиёzlар тизими орқали амалга оширилмоқда.

МДҲнинг ЕОИИга аъзо бўлмаган давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ЕОИИнинг халқаро фаолиятидаги устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу ўринда, Евроосиё иктисодий иттифоқи доирасида ҳал этилиши зарур бўлган устувор вазифалар ҳақида тўхталадиган бўлсак, биринчи навбатда давлатлараро устувор аҳамият касб этувчи ташқи савдо ва божхона сиёсатига жиддий эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки пухта ўйланган ташқи савдо ва божхона сиёсатининг амалга оширилиши нафақат Евроосиё иктисодий ҳамжамияти доирасидаги интеграциянинг янги босқичга кўтарилишига, балки аъзо давлатларнинг халқаро савдо жараёнларида фаол иштирок этишида ҳам муҳим омил бўлади. Бу йўналишда қўйидагиларни алоҳида таъкидлаш ўринли:

- давлатлараро тўлақонли эркин савдо режимини жорий этиш;
- ягона божхона тарифлари ва тартибга солишининг ягона нотариф усуулларини жорий этиш;
- товар ва хизматлар савдосининг умумий қонун-қоидаларини жорий этиш ва уларнинг иштирокчи давлатлар ички бозорларида қатъий амал қилишини таъминлаш;
- иштирокчи давлатлар томонидан Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ) ва бошқа халқаро иктисодий ташкилотлар билан ўзаро муносабатларни ўрнатишда ягона келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш;
- ЕОИИ ташқи чегараларида иктисодий хавфсизликни таъминлаш.

Шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий йўналишни такомиллаштириш учун қўйидагиларни инобатга олиш зарур:

ЕОИИга аъзо давлатларнинг миллий қонунчиликларини ўзаро мувофиқлаштириш;

ЕОИИ доирасида умумий ҳуқуқий маконни яратиш мақсадида иштирокчи давлатлар ҳуқуқий тизимларининг ўзаро таъсирчанлигини сўзсиз таъминлаш.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирларнинг барчасини ЕОИИга аъзо давлатларнинг ўзаро тенг манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш, бунда иштирокчи томонларнинг ягона “консенсус”ларга эришиши орқалигина амалга ошириш мумкин. Зеро, халқаро иктисодий муносабатлар тизимида интеграция жараёнларининг макро даражаси – иктисодий сиёсатни давлатлараро мувофиқлаштириш орқали ҳудудий миқёсда сифат жиҳатдан янги иктисодий муҳитни яратиш демакдир.

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, макро даражада ана шундай интеграция гуруҳларини шакллантириш, пировард натижада миллий хўжаликлар кўламида барқарор иктисодий ўсишни таъминлаш, юзага келган ижтимоий номутаносибликларни бартараф этиш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳозирги замонавий шароитда халқаро меҳнат тақсимоти асосида давлатлар ўртасида барқарор иктисодий алоқаларнинг ривожланиши глобал характер касб этмоқда. Ўзбекистоннинг мазкур интеграцион уюшмага аъзо бўлиши республикада ривожланаётган илмий ва технологик инқилоблар, халқаро савдо, капиталнинг кўчиб юриши, замонавий транспорт, алоқа ва ахборот тизимлари иктисодий ҳаётнинг халқаролашуви жараёнининг глобал шаклланган даражага ўтишига ёрдам бериши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон ва бошқа аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро интеграллашув ишлаб

чиқариш ҳажмининг ўсишига, янги технологияларнинг кенг ва жадал тарқалишига, инфратузилмаларнинг ривожланишига, халқаро иқтисодий ташкилотлар, фонdlар ролининг янада ошишига, савдо ва бозорларнинг эркинлашувига ва бошқа ютуқларга эришилишига олиб келиши мумкин.

Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,

“Тараққиёт стратегияси” маркази муассислигидаги “Ўзбекистон стратегияси” журнали бош муҳаррири, журналист, сиёsatшунос-юрист.

2019-12-04 09:05:46